

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

**Урганч шаҳар 34-сон санатория типидаги давлат мактаб
интернати директори**



ТЕХНИК ШАРТ

1	Буюртмачи:	Урганч шаҳар 94-сон санатория типидаги мактаб интернати учун
2	Аутсорсинг хизмати тури	Даволаниб тахсил олаётган ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш
3	Танлов тури	Энг яхши таклифларни танлаб олиш
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	https://etender.uzex.uz/ маҳсус ахборот полталидан юклаб олишлари мумкин, Иштирокчилар ўз таклифларини тақдим этишдан аввал мактаб интернат ошхонаси ва ундаги жихозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин.
5	Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар;	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.03.1993 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида”ги 122-сонли ва 20.02.2008 йилдаги № 74-сонли бўйруқларига қатъий риоя этиши лозим.
6	Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар;	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аутсорсинг хизматларини ташкил қилиш учун сарфланадиган барча коммунал ҳаражатларни (табиий газ, электр энергия, ичимлик ва оқава сув) аутсорсер ўз маблағлари хисобидан коплаши; 2. Буюртмачи томонидан тасдиқланган қундалик таомнома асосида овқат тайёрлаши; 3. Буюртмачи томонидан тегишли бўйруқ асосида биритирилган масъул ходимларга қунлик овқатлардан синамалар олиш ва ташкил қилинган аутсорсинг хизмати ҳолатини мунтазам равишда назорат қилишга руҳсат бериши; 4. Аутсорсер ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ходимлар рўйхатини тақдим қилиши; Айни вактда мавжуд ишчи ўринлари хамда ишчиларни сақлаган холда 5. Аутсорсер томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда ўзлари хисобидан таъмирлаши; 6. Шартнома муддати тугагандан кейин вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозларни соз ва тўлиқ ҳолда буюртмачига топшириши;
7	Танловда иштирок этишга қўйидаги танлов иштирокчиларига руҳсат этилади	Аутсорсер (иссиқ овқат тайёрлаш) хизмати бўйича, етарли иш тажрибасига эга булиши, Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарарага олинмаган, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар.